

ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА 15 ЙИЛ ТЎЛАДИ

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

ПАРЛАМЕНТ ПАРТИЯСИНING ҚАРОР ТОПИШИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ РАИСИ ЛАТИФ ФУЛОМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА» ГАЗЕТАЛАРИ МУХБИРЛАРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

— Латиф Ёқубович, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганидан буюн 15 йил ўтди. Бугун байрам арафасида ўтган даврга бир назар ташласак?

— Агар чўқурроқ эътибор берилса, партиямиз тарихи, фаолияти мамлакатимиз тарихи, жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан чамбарчас боғланган. 1990-йиллар биринчи ярмининг асосий мазмуни ёш давлатимиз ривожланишининг стратегик устуворликларини белгилаш билан баҳоланди. Бу давр мамлакат Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган, инсоният илгор тажрибаси билан бирга миллий, тарихий ва маънавий анъаналарнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, Ўзбекистонда демократиянинг миллий моделини шакллантириш мақсадидаги мамлакатни демократик модернизациялаш концепцияси билан боғлиқ.

Собик иттифоқ парчаланган, тоталитар ижтимоий-сиёсий жамиятнинг ҳукмрон партияси ҳам

саҳнадан тушиб қолди. Худди шу мураккаб шароитда мамлакатдаги бирорта сиёсий партия томонидан мафкура ва сиёсатнинг монополаштирилишига имкониятлар яратилишининг олдини олиш учун ишончли қафолларни яратиш муҳим эди.

Ўзбекистон ХДП ҳақиқатда ҳам мамлакатда виждон эркинлиги, эътиқод ва сиёсий плюрализм принциплари устуворлигини эътибори этган биринчи партия бўлди. У ўз зиммасига ўтиш даврининг оғир вазифаларини олган эди. Энг муҳими, бу партиянинг асосий вазифаси Ватан ва халқ манфаати ҳимоясига қаратилган эди.

Бирок, тан олиш керакки, партиямиз фаолиятида шундай бир давр ҳам бўлдики, биз биринчи партия эканлигимизга, кўпсонли эканлигимизга ортикча урғу бериб, хотиржам бўлиб қолган эдик. Бошқача айтганда, амалий ишлардан йироқлашиб, муद्रоклик ҳолатига тушган эдик.

Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлисининг сессияларида бир неча марта сиёсий партиялар фаолиятидаги бу сустликни

жиддий танқид қилиб, фаолликка, ташаббускорликка даъват этган эдилар. Ана шундан сўнг сиёсий партиялар, хусусан, ХДП ҳам ўз фаолиятини таҳлил этиб, мафкуравий қарашлари, дастурий вазифаларини ҳаёт талабларига мос равишда қайта кўриб чиқишга киришди.

— Партиянинг ривожланиш давларини босқичларга ажратсак, уларнинг ҳар бирида қандай вазифаларни ҳал этишга тўғри келди?

— Партиянинг ташкилий қарор топиши ҳеч шубҳасиз, унинг топиши ҳисобланади. Бу даврда партия асосан ўз йўлини белгилаб, ташкилий тузилмаларига эга бўлди. Бу жараён 1994 йилгача давом этди. Бу пайтга келиб, ХДП илк бор ўз қўлларини биринчи қақирин Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига кўппартиявийлик асосида ўтказиладиган сайлов кампаниясида синаб кўриш имконияти пайдо бўлди.

2-бет

• 2006-йил • 31-oktabr • Seshanba • 129 (27.620) • www.uzbekistonovoz.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

Бугунги кунда «В.П.Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятида 17 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Жамоанинг 65 фойзини ёшлар ташкил этади. Улар орасида партиямиз аъзолари сони тобора кўпайиб бормоқда. ЎзХДП ҳамза туман кенгаши раиси Авазбек Тошматов ёшлар билан ХДП дастури ҳақида суҳбатлашмоқда.



Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан

ТАБРИК

Кадрли дўстлар! Хурматли сафдошлар! Сизларни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг 15 йиллиги билан чин дилдан табриклаймиз.

Партияимиз жамиятдаги ўз фаолиятининг барча жабҳаларини тубдан ўзгартириш босқичидадир. Бугунги кунда Ўзбекистон ХДПнинг сўл платформаси, аҳолининг ижтимоий мададга муҳтож қатламларидан иборат аниқ электорати мавжуд. Ўзбекистон ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш партия сафларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлади, уларни партиянинг янги сиёсий мафкураси атрофида жиқлаштирди. Партияимизнинг янги Дастури мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга, Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашдаги амалий иштирокимизни кенгайтиришга қаратилган.

Буларнинг барчаси партия V қурултойидан кейин электоратимиз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида, жамоавий равишда ишлаб чиқилган вазифаларимизни изчил амалга ошириш учун асос яратади. Булар мураккаб вазифалардир. Бунда ҳаммамиз халқимиз фаровонлиги учун, Ўзбекистон келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилсак, бунинг улдасидан албатта чиқамиз.

Партияимиз ҳаётидаги ушбу муборак сана билан сизларни табриклар эканмиз, Ўзбекистон ХДП аъзолари ва хайрихоҳларининг барча саъй-ҳаракатларида муваффақият, юртимизга тинчлик ва осойишталик, оилаларингизга файзу барака, саломатлик, бахт ва фаровонлик тилаймиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан партиямиз босиб ўтган йўл, унинг бугунги фаолияти, партиямиз жонкуярлари ва ЎзХДПдан сайланган депутатларнинг ибратли ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи энг яхши мақола, очерк ва суҳбатлар учун «ЎзХДП — 15 йил» танлови эълон қилинган эди.

Танлов ҳайъати «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари саҳифаларида чоп этилган материалларни кўриб чиқиб, қўйидагиларни ғойиблар деб топди.

I ўрин — **Номоз Саъдуллаев**, газетанинг ижтимоий ҳаёт ва иқтисодий бўлими мудири (партиявий мавзудаги туркум мақолалари учун)
II ўрин — **Иброҳим Жонузоқов**, газетанинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлардаги ўз муҳбири («Партиявий йўқлама», «Партия ва ОАВ», «Сўл сиёсий партия» мақолалари учун)

III ўрин — **Ғолиб Хасан**, Самарқанддаги «Зарафшон» вилоят газетаси ходими, («Халқ юкини елкага олиш осон эмас» мақоласи учун)

Шунингдек, **Собир Қурбонов** (Ўзбекистон ХДП МК масъул ходими), **Даврон Бахронов**, **Шухрат Қаршиев** (газетанинг Бухоро, Самарқанд вилоятлари буйича муҳбирлари) танловнинг рағбатлантирувчи мукофотларига лойиқ деб топилди.

Ғойибларни қўтаймиз!

«Истиқбол» — Ўзбекистон ХДП ёшлар қаноти

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАРАКАТ

Ўтган йили айни шу кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қанотининг жойларда, яъни партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари қошида бўлими тўзила бошлаган эди. Мана орадан бир йил вақт ўтди. Ҳўш, бу давр мобайнида қандай ютуқларга эришилди?

Келажақда мамлакат тақдирини қўлга оладиган авлод сиёсий жиҳатдан фаол бўлиши талаб этилади. Бундай фаолликни амалда намойиш этиш учун эса сиёсий партия сафларида туриб ҳаракат қилиш жуда яхши самара беради. «Истиқбол» ёшлар қаноти аввало ёшларнинг сиёсий фаолликларини оширишга хизмат қилади.

Шу йилнинг июнь-август ойларида ёшлар қаноти ташаббуси билан 2 та республика, 5 та минтақавий ёшлар анжуманлари ўтказилди. Улар «Ёшларда фаол фуқаролик позицияси, юксак маънавият ва ҳуқуқий маданият эса фуқаролик жамиятида яшайдиган ҳар бир инсоннинг доимий ҳамроҳи бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам «Истиқбол» бу масалаларга алоҳида эътибор билан қарамоқда.

Сиёсий партияга кадрлар тайёрлаш масаласида ҳам «Истиқбол»нинг алоҳида ўрни бор. Чунки, қўзатишларимизга қараганда, ўтган бир йил давомида партия сафларини тўлдирётган ёшларнинг кўпчилиги ХДПга «Истиқбол»

орқали кириб келмоқда. Қанотнинг аъзолари, фаоллари эса партия ташкилотларида ишлар яратилар ҳам. Ёхуд шунга ўхшаш бошқача ҳолатлар ҳам кузатиляпти. Масалан, ўтган йил Зиёдулла Эшонхўжаев ЎзХДП Учтепа туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси этиб сайланган эди. У фаолликда, ташаббускорлик, ташкилотчиликда, одамлар билан муомала қилиш, уларнинг бошини қўштиришда ўзини кўрсатди. Кўп ўтмасдан туман кенгаши пленумида партия фаоллари З.Эшонхўжаевни ЎзХДП Учтепа туман кенгаши раиси ўринбосари лавозимига лойиқ топишди.

Айни пайтда Ўзбекистон ХДП Собир Раҳимов туман кенгашига 27 ёшли Миржалол Мирза-Аҳмедов раҳбарлик қилади. Бу йити ҳам партиямизнинг ёшлар қаноти фаолларидан бири эди... Ана шундай ҳолатлар, шунингдек, республикамизнинг турли минта-

қаларидаги бошқа партия ташкилотлари мисолида ҳам кўзга ташланмоқда. Демак, ёшлар қанотининг кадрлар тайёрлаш борасидаги хизматлари юзга чиқа бошлади.

Яна бир муҳим вазифамиз шундан иборатки, «Истиқбол» келгуси сайловларга ёшлар орасидан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига депутатлик қонимодларни тайёрлаши керак. Бугунги кунда барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллари органларида ёшларнинг вакиллари жуда озчиликини ташкил этади. Биз хоҳлаймизки, келгусида давлат ҳокимиятининг вакиллари органларида ёшлар ўзига хос ўринни эгаллашлари керак. «Истиқбол»нинг ёшлар орасида олиб бораётган ишлари бу борада ҳам ўз самарасини беради деб ўйлаймиз.



Партия сиёсий майдонда мафкурасиз кураша олмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ХДП мафкуравий масалаларга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Шу йил 22 сентябрь кун Тошкент шаҳридаги «Пойтахт» меҳмонхонасининг конференция залида ХДП фаолларининг республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда «Партия ташкилотларининг партия V қурултойи ва Марказий Кенгаш IV пленумининг мафкуравий ишларга оид кўрсатмалари ижросини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ таъминлашга доир вазифалари» муҳокама этилди.

ФАОЛЛАРГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар сиёсати, партиянинг дастурий голларини кенг тарғиб этиш ва рўёбга чиқариш, ХДПнинг обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшаётганликлари учун ҳамда партиямиз ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан, Ўзбекистон ХДП МК ҳайъатининг 2006 йил 17 октябрдаги қарорига мувофиқ, қуйидаги партия фаолларининг номи Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг «Эҳтиром китоби»га киритилди:

Акбаров Акрам — «Қашқадар соҳили» санаторийси бош шифокори
Бобомуродов Позил — Жиззах шаҳар А.Навоий номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Ешимбетов Реймбай — «Ўзбекистон овози» газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси буйича муҳбири
Жуманиёзова Шарофат Атаевна — меҳнат фахрийси, Хоразм вилояти
Имамова Дилбар Бобоқуллова — Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари, ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси
Исмоилов Нурдинжон Мўйдинжонович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси
Казимова Робия Фатуллаевна — Ўзбекистон ХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси
Мамажонов Максуджон Турсуналиевич — «Ака-ука Мамажоновлар» болалар ва ўсмирлар спорт клуби ташкилий қўмитаси раиси, Андижон вилояти
Машарипова Раҳима — Ўзбекистон ХДП Янгиерик туман кенгаши раиси, Хоразм вилояти
Назиров Феруз Ғофурович — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Нишонов Махмуд Мирзажонович — Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши ташкилий-партиявий ва депутатлар билан ишлаш бўлими мудири
Норбоев Хакберди — Жарқўрган туманидаги «Хакберди ҳожи Норбой ўғли» кураш клуби президенти
Позил Искандар Абдужалилович — Тошкент туманидаги «Оқунбобоев-Барака» агрофирмаси раиси
Рўзиё Бахриддин Муртазович — Навоий вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси
Саидов Курдош — Ўзбекистон ХДП Оқангон туман кенгаши раиси
Умиров Озод Очилович — Қарши шаҳар Кўкчаллаштриш хусусий корпорация раҳбари
Умрзақова Мавжудухон Джумабевна — Данғара туманидаги 85-ўрта мактаб-интернат директори
Фатуллаев Турсунпўлат — Қизилтепа туман халқ таълими бўлими мудири
Ҳўжаев Ориф Ғиёсович — Бухоро шаҳар «Нуроний» жамғармаси раиси
Ҳўжаниязов Рустам Кенжаевич — Ўзбекистон ХДП Амударё туман кенгаши раиси
Шарипова Алфия — Ўзбекистон ХДП Наманган шаҳар кенгаши бош ҳисобчиси
Эгамқулов Мустафа Алимович — Қонимех тумани Абай қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
Якубонов Ойбек — Андижон қишлоқ ҳўжалик институти ректори
Усканов Алиқобил Холиқович — Ўзбекистон ХДП Зарбдор туман кенгаши раиси
Ғайбуллаев Сайдулло — Ўзбекистон ХДП Уйчи туман кенгаши раиси
Ғиёсов Шер Сайфиiddинович — Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Урта махсус касб-ҳўнар таълими бошқармаси бош мутахассиси

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолларидан катта гуруҳи партия олдидagi хизматлари учун Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Фахрий ёрлиги билан мукофотланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ПАРЛАМЕНТ ПАРТИЯСИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Очиғани айтиш керак, сиёсий рақибларига нисбатан аввалроқ ташкил этилган партия мавқеи ҳам, бошқа партияларга нисбатан аъзолар сонининг кўплиги ҳам Ўзбекистон ХДПга давлат ҳокимияти қонунчилик-вакиллик тармоғининг бирорта ҳам даражасида мулк кўпчиликти эришишга олиб келмади. Лекин Ўзбекистон ХДП сайлов якунлари бўйича ижтимоий-сиёсий ташкилотдан вакилларнинг парламентдаги микдори ўз фракциясини тўзиш учун етарли бўлган партияга айланди. Шу пайтдан, яъни 1995 йил январидан бошлаб, ЎзХДП ривожланишининг навбатдаги босқичи — парламентда фракция ишининг дастлабки тахрибасини тўплаш даври бошланди.

Бу даврда партия марказий органлари ва унинг фракцияси парламентда кўрилатган масалалар юзасидан муштарак позицияни ишлаб чиқиш учун ҳаракатларни бирлаштириш тахрибасига эга бўлинди, маҳаллий партия ташкилотларида қонун лойиҳаларини жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама қилишни ташкил этиш кўникмалари ҳосил қилинди. Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатларнинг ўз сайлов округларидаги фаолиятини партия ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари вуқудга

кела бошлади. Лекин ушбу даврда фаолиятимизда муайян ғоявий хомхаллик ва адашишлар ҳам йўқ эмас эди. Бутун халқ партияси бўлишга интилиб, биз 2005 йилгача ўз электротимизга эга бўлиш тўғрисида деярли ўйламадик. Уша пайтдаги дастурий ҳужжатларимиз бандларвоз руҳда бўлиб, оддий сайловчиларнинг тушуниши кўйин эди. Ҳокимият қонунчилик органи — Олий Мажлисда таъсиримизни кенгайтириш ҳақида қайғуриб, амалда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партиянинг нисбатан кўпчиликти эгаллигидан фойдаланмадик. Ваҳоланки, аҳоли манфаатларига тааллуқли бўлган ижтимоий масалаларни ҳал этиш, айна шу органлар ваколатига кирди.

Бу хомхаллик оқибатида ХДП 1999 йил сайловлари натижалари бўйича Олий Мажлисдаги нисбатан етакчилигини қўлдан бой берди. Тўғри, кейинчалик маъруза сайловлар якунлари танқидий баҳоланди ва улاردан зарур сабоқлар олинди. Шу маънода, аҳоли манфаатларига тааллуқли бўлган ижтимоий масалаларни ҳал этиш, айна шу органлар ваколатига кирди.

Партияимиз ривожланиши учун парламент ислохотини амалга ошириш даври — 2002-2004 йилларда мамлакатда вуқудга келган ижтимоий-сиёсий вазият алоҳида аҳамият касб этди. Бу

даврда жамиятда сиёсий партияларнинг ролини ошириш, демократик парламентаризмни ривожлантириш бўйича дадил қадамлар қўйилди. Натижада барча сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон ХДПнинг ҳам фаолияти сезиларли даражада жонланди.

— **Партиянинг бугунги босқичдаги асосий аниқлашлар нимадан иборат?**

— Партияимиз 15 ёшга тўлиш арафасида, аниқроғи, ўтган йилнинг ўрталаридан партияимиз мафкураси ва ташкилий фаолиятининг барча томонларини чуқур ислоҳ этиш бошланди. Бундан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон ХДПни парламент типигадаги электротимизга узил-кесил айлантириш эди.

Партияимиз ўзини мамлакат сиёсий қуралининг сўл қаноти деб эълон қилди. Шундан келиб чиқиб, у аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мақсадли ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ўз электротими сифатида белгиланди. Биз қўллаб қўлланган сиёсий платформага мувофиқ, партия ўз сиёсий мафкурасини ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия мафкураси деб белгиланди. Партиянинг ўтган йил июнь ойида қабул қилинган янги Дастурда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий самардорлигини оширишда амалий иштирокини кўчати-

риш бўйича асосий тамойиллар аниқ белгилаб олинди.

— **Партия бугунги кунда ўз сиёсий рақибларидан асосан нималар билан фарқ қилади?**

— Биз асосий рақибимиз — ЎзЛиДеПдан биринчи навбатда электротимиз билан фарқланамиз. Партияимиз электротими, бу — аҳолининг турли сабаблар билан бозор ислохотларига тайёр бўлмаган ва жамиятнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашига муҳтож ижтимоий заиф қатламларидир.

Бизнинг сиёсий мафкура ҳам опонентларимиз мафкурасидан тубдан фарқ қилади. Масалан, ислохотларнинг ижтимоий самардорлиги тўғрисидаги нуктаи назарларимиз турличадир. Либерал демократлар эркин бозор иқтисодиёти принциплари тарафдорлари, бизнинг позициямиз эса ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва ижтимоий бирдамлик.

Бандлиги масаласида ҳам қарашларимиз ҳар хил. Ўзбекистон ХДП аҳолининг ишлаб чиқаришда тўлақонли бандлигини янги иш ўринлари яратиш, шу жумладан касаначиликни ривожлантириш ва деҳқонларнинг ўз шахсий ёрдамчи қўлчаларида меҳнат қилиши каби воситалар орқали таъминлаш позициясида турлади. Либерал демократлар эса, бу масалани ҳал қилиш йўли аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини ошириш орқали унинг ўзи

бандлигини таъминлашни рағбатлантиришда, деб билишади.

— **2006 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ХДПда партия аъзолари қайта рўйхатдан ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад нима эди? Маълумотларга қараганда, бу тадбир натижасида партия аъзолари сафи анча камайибди. Бу қайси партия салоҳиятини заифлаштирмади?**

— Ақинча, Ўзбекистон ХДП ўз тарихининг сўт қисмидан дадил халос бўлиши натижасида унинг ташкилий салоҳияти мустаҳкамланди. Қайта рўйхатдан ўтказилган кейин сафларимизда эътиқоди мустаҳкам кишилар қолди.

— **Бугунги кунда партия фаолиятида энг асосий вазифа нимадан иборат?**

— Бу Ўзбекистон ХДП V қурултойи якунлари бўйича барча партия ташкилотлари иштирокида жамоавий равишда ишлаб чиқилиб, қабул қилинган электротимиз манфаатларига жавоб берувчи устуворликларни амалга оширишдир. Мамлакатимиз Президентининг электротимиз манфаатларига жавоб берувчи ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган қарор ва фармонлари, республика қонунларининг бажарилиши учун қатъий кураш олиб бориш. Бу мақсад йўлида партияимизнинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларининг

барча имкониятларидан фойдаланамиз. Партиянинг ўз дастурий мақсадларини изчил амалга оширишга нақадар қодирлиги қанчалик принципиаллик билан маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органлари фаолиятидаги қамчиликларга баҳо бериши одамларда шунчалик ҳурмат-эътибор уйғотади.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов халқ депутатлари Андижон ва Фарғона вилоятлари Кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияларида билдирган фикрларидан келиб чиқсак, бу ҳақиқат янада ўйинлашади. Бизнинг маҳаллий ташкилотларимиз ва тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз жойларда ислохотлар ижтимоий самардорлиги ошишига тўсиқ бўлаётган салбий омилларга ошқорча сиёсий баҳо беришни ўрганишлари лозим.

— **Партиянинг 15 йиллиги муносабати билан партиядошларимизга қандай тилаклар билдиришни истайсиз?**

— Уларнинг барча саяё-ҳаракатлари янада самарали бўлисин. Партияимиз дастурий устуворликларидан келиб чиқувчи ижтимоий йўналтирилган вазифаларни бажаришларида янада фол, қатъиятли ва ташаббускор бўлишлари тилақдошман!

ЎҚУТЛОВЛАР

Вера ПАК, Хиводаги 20-сон «Меҳрибонлик уйи» директори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси:



— Мен Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганидан буён унинг аъзоси эканлигимдан фахрланаман. Ўтган йилларда партияимиз машаққатли йўлни босиб ўтди. Кўппартиявийлик сиёсатида ўз ўрнини топиш, халққа яқин бўлиш, мустақиллик йўлини тутган давлатимиз сиёсий, иқтисодий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллашини ўзи бўлмади, албатта.

Партияимизнинг дастурий мақсадларида етим-есирлар, ноқор оилалар, кам таъминланган аҳолини моддий ва маънавий қўллаб асосий тамойиллардан ҳисоблангани бежиз эмас. Узоқ йиллардан буён айнан аҳолининг шундай оғрикли қатлами билан бевосита ишлаб келаётганим боисдан бу вазифанинг нақадар масъулиятли ва шарафли эканлигини яхши биламан. Айна шундай инсонпарвар, эзгу ишлари билан партияимиз халқ орасига тобора чуқурроқ кириб бораётгани, ўз атрафида фаол, фидокор фуқароларни тўплаётгани сир эмас. Бу бизнинг бозор иқтисодиёти шариоатида ўзимизнинг мақбул йўлимишни топиб олганимиз ва уни изчил давом эттираётганимиз меваси.

Ушбу кўтлуг кунда барча партиядошларимизни қизгин табриқлар эканман, уларга доимо халқ орасида бўлиш, истиклолга садоқат билан хизмат қилишдек хайрли фаолиятларида мустаҳкам ирода, куч-қувват тилайман.

Ёқуб АҲМЕДОВ, Ўзбекистон халқ артисти, ХДП фаоли:



— Ўтган 15 йил давомида Ўзбекистон Халқ демократик партияси республикаимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Мамлакатдаги етакчи партиялардан бирига айланди. Албатта, бу мавқега осонликча эришилгани йўқ. Менимча, бу — ЎзХДП фаоллари ва аъзоларининг саяё-ҳаракати, изланиши ва меҳнатларининг самарасидир.


Аслида ҳам чинакамга халқ партияси бўлиш, халқ дарди, ташвиш ва муаммолари билан яшаш осон иш эмас. Ўтган сайловлар давомида бизнинг партия ўз позициясини белгилаб олди.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи ййгилишида сўзланган нутқидан «Халқ демократик партиясининг сайловлар арафасида аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги дастурий чикшлари унинг ижобий натижаларга эришишида муҳим аҳамиятга эга бўлди» деган эди.

Тан олиб айтиш керакки, бугун ЎзХДПнинг фаолиги, ташаббускорлиги ҳар жабҳада кўзга ташланмоқда. Қонунчилик фаолиятида, аҳолининг маънавиятини юксалтириш босирасида амалий ишлари хизирги кун талабларига жўра мос. Партияимизнинг интеллектуал потенциал бундан-да юксак ишларга қодир. Чунки партия аъзоларининг илмий салоҳияти, ташкилотчилик қобилияти жўра юқори. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, аҳоли фаровонлиги, мамлакатимиз ривожий йўлида янада астойдил ҳаракат қилишимиз керак бўлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 15 йиллигини нишонлаётган шу кунларда партиянинг барча аъзолари, ижтимоий шеркларини ва тарафдорларини маъруз кўтлуг сана билан чин юракдан муबारакбод этаман.

Фофур АБДУМАЖИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Фан ароби, юридик фанлар доктори, профессор:




— Мен ҳеч қайси партия аъзоси эмасман. Лекин партиялар йўналиши, уларнинг мақсад ва вазифалари, сиёсий майдондаги саяё-ҳаракатини мунтазам кузатиб бораман.

Кейинги пайтда партияларнинг ўз сиёсий қатламларини аниқ-тиниқ белгилаб олиши улари ўртасидаги рақобатни кучайтириб, десам хато бўлмайдми. Халқ демократик партияси ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларининг манфаатларини ҳимоялашни эълон қилди. Бу, биринчидан, инсонпарварлик муносабати, иккинчидан, адолат тамойилидир. Негаки, рақобат муҳитига асосланган бозор шариоатида бошқалар билан тенг рақобатлаша олмайдиган қатламлар — ноғиронлар, нафақахўрлар, пенсионерлар мавжуд. Уларга шундай нотенг вазиятда имтиёз берилмаса ёки ижтимоий жиҳатдан муҳофазаланмас, биринчидан, жамиятда муҳтожлар қатлами янада кенгайди. Қолаверса, адолат тамойили бузилиб, улари ҳақ-ҳуқуқи ҳимоясиз қолиб кетади, ижтимоий норозилик кучаяди.

Халқ демократик партияси ижтимоий муҳофаза масаласини ўз дастурида илгари сургани учун ҳам унинг тарафдорлари кўпайди, халқ ичида обрўси мустаҳкамланди, деб ўйлайман. Мен партиянинг олижаноб шу йўлида доимо собит бўлишини, амалий ишлари билан халқимизга янада кўпроқ хизмат қилишини тилайман. Инсонпарварлик ва ижтимоий адолат ғояси Халқ демократик партиясининг ҳамиси дастуриламали бўлисин!

Ойбек ИСОҚОВ, Ўзбекистон Ноғиронлар жамияти раиси, ХДП фаоли:



— Ўзбекистон Халқ демократик партиясини мамлакатимизда мустаҳкам таъничга эга бўлган партия деб биламан. Унинг бу таъничи — ўз электротими, ижтимоий шеркларини, қолаверса, олижаноб юяларига суянғувчи халқимиздир.

ЎзХДП ва Ўзбекистон Ноғиронлар жамияти ўртасида ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида шариоатга тўзилган. Бу ҳамкорлик тасдиғи сифатида шу йил март ойида ХДП ва Ноғиронлар жамияти биргаликда ўтказган семинарни келтириш мумкин. Ушбу семинарда «Ҳомийлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси партиянинг парламентдаги депутатлари ва Ноғиронлар жамиятининг 120 дан ортиқ бўлим ва бўлимчалари вакиллари иштирокида ўрганилиб, тегишли тақлифлар ишлаб чиқилди. Ўйлаймизки, улари қонунда ўз ақсини топади.

Ҳозирда Ўзбекистон Ноғиронлар жамияти ва ЎзХДП фракцияси, шунингдек, кўпгина вилоят, шаҳар, туманларда партия ҳамда жамият бўлимлари биргаликда ҳамкорлик фаолиятини юргўзмокда. Масалан, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да ўн мингдан ортиқ ноғиронга хайрия кечалари ўтказилди, кўпбал ёрдамлар кўрсатилди. Шунга мувофиқ, жамиятимизнинг кўпгина аъзолари 2006 йилда ХДП аъзолари бўлишди.

Ўзбекистон Ноғиронлар жамияти ХДПнинг барча аъзоларини ййла-рам билан кўтлаб, уларга халқ муаммолари ечим учун курашда янада қатъийлик тилайди.

ЎЗБЕКISTON ХДП: ТАРИХИЙ САНАЛАР

1991 йил 1 ноябрь. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди ва Ўзбекистон ХДП ташкил этилди, партиянинг Дастури, Низоми қабул қилинди.

1991 йил 29 декабрь. Биринчи марта мамлакатда муқобиллик асосида Ўзбекистон Республикаси Президентлиги учун умум-халқ сайлови бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси муваффақиятли иштирок этди.

1994 йил 1 ноябрь. Ўзбекистон ХДПнинг иккинчи қурултойи бўлиб ўтди. Унда биринчи марта 250 сайлов округи бўйича кўппартиявийлик асосида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатилди ва партиянинг сайловолди сиёсий Платформаси қабул қилинди.

1996 йил 26 сентябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганининг 5 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг «Эҳтиром китоби» таъсис этилди.

1997 йил май. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг рамзий белгисини рўйхатдан ўтказди.

1999 йил 8 октябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг III қурултойи бўлиб ўтди. Унда партиядан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

2002 йил 16 март. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Экологик дастури қабул қилинди. Унда партиянинг мамлакатимиз ва минтақамиздаги экологик вазиятга оид қарашлари, олдидан турган асосий вазифалар ҳақидаги ёндашувлар ақс этган.

2004 йил 6 ноябрь. Партиянинг IV қурултойи бўлиб ўтди. Унда ХДП ўзини мамлакат сиёсий қуралининг сўл қаноти, деб эълон қилди ва партиянинг Сайловолди Платформаси қабул қилинди. Ўзбекистон ХДПдан мамлакатимизда янги шаклланиётган икки палатали парламентнинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

2004 йил 26 декабрь, 2005 йил 9 январь. Ўзбекистонда умумхалқ сайловлари ва такрорий овоз бериш ҳараёллари бўлиб ўтди. Парламентнинг қўйи палатасига ЎзХДПдан 28 номзод, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорйи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 301 нафар номзод (36,6 фоиз) халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига 2379 нафар номзод (44,2 фоиз) депутат этиб сайланди.

2005 йил 28 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлиси бўлиб ўтди. Унда ХДП ЎзЛиДеПга сиёсий муҳолифатда эканлиги тўғрисида баёнот берилди.

2005 йил 16 февраль. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракцияси рақбарияти иштирокида республика ва хорижий ОАВ вакиллари учун брифинг ўтказилди. Унда учта партия фракцияларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Демократик блокка бирлашгани муносабати билан ХДП ўзини парламентдаги озчилик муҳолифати деб эълон қилди.

2005 йил 2 июль. Партиянинг V қурултойи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДПнинг сўл сиёсий ғояларига, позициясига асосланган янги Дастури қабул қилинди. Дастурда партия ўз электротимини аниқ белгилаб олди.

2005 йил 5 август. Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари Қонунчилик палатаси мажлисида «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси (биринчи ўқиш) муҳокамаси пайтида ушбу қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисидаги таклифини киритдилар. Чунки, лойиҳа партия элзотлари манфаатларига жавоб бермас эди. Қизгин муҳокамадан сўнг, палата ушбу қонун лойиҳаси устида қайта ишлаш, тақомиллаштириш учун қонун ташаббускори субъектсига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилди.

2005 йил 22 декабрь. Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида ЎзХДП фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг аҳолини қишки мавсумда электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги масала юзасидан ахбороти эшитилди.

2006 йил 15 март. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ХДП «Истикбол» ёшлар қанотининг ва «Фаол аёллар» республика таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Партиянинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширувчи ва ёшлар орасидан келгусида партия етакчиларини тайёрловчи ушбу ҳаракатнинг Низоми қабул қилинди, асосий мақсад-вазифалари белгилаб олинди.

2006 йил 1 апрель. Партия Марказий Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП мафкурасини ривожлантириш ва партия ташкилотлари мафкуравий ишлари самардорлигини оширишнинг устувор вазифалари муҳокама этилди ҳамда партиянинг мафкуравий ишлари янада яхшилаш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП — хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

«ФАОЛ АЁЛЛАР»НИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

Мамлакатимиз Президентининг шу йил 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табриғидаги мана бу сўзлар юртимизда аёлларга муносабатининг намунаси сифатида янгради: «...биз» аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар учун, айниқса қишлоқ жойларда янги-янги иш ўринлари яратиш, биринчи галда хонадон бекалариға дуч келадиган уй-жой ва коммунал хизматлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича яна кўп иш қилишимиз лозимлигини, бу борада заҳматкаш ва қамгарин опа-сингилларимиз олдидан қардор эканлигини ҳам ўзимизга яши тасаввур қиламиз.»

Юрт рақбарининг бу сўзларидан келиб чиқадиган асосий вазифалар нафақат давлат, балки жамоат ташкилотларининг ҳам зиммасига тушади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Фаол аёллар» қаноти ишини янада тақомиллаштириш чораларини кўрмоқда. Чунки, аёллар муаммоларини ҳал этишда улари фаолиятларини ошириш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Партияда бундай тахриба бор. Биргина Самарқанд шаҳар кенгаши қошида ташкил этилган «Бибиҳоним» аёллар клуби мана 8

йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. — Асосий мақсадимиз Бибиҳонимдек иродали, жасур, ҳаёлий, ибони, нозик дилли, оила, жамият, давлат ишларини ҳам чуқур тушунадиган ўзбек аёли тинимсиз тарғиб этишдир, — дейди клуб рақбари Дилбар Имомова. — Ундан ташқари, шарқимиз ва жамиятимизда учраётган муаммоларни ўрганиш, муҳокама этиш, тегишли ташкилотлар эътиборини жалб этиш ҳам қундалик фаолиятимиз йўналишларини ташкил этади. Клубимиз аъзолари томонидан кутирилаётган масалалар, муаммолар беъэтибор қолаётгани йўқ. Бу эса фаолиятимиз самардорлигини кўрсатади...

Хотин-қизлар масалалари билан шуғулланидиган бундай клублар бошқа партия кенгашлари қошида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бугун уларнинг тахрибалари партиянинг «Фаол аёллар» қаноти ишини жонлантиришда ас қотаяти.

— Мен яқинда Самарқанд вилояти Оқдарё туманининг Олчин қишлоғида хотин-қизлар билан ўтказилган учрашувда иштирок этдим, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши маъсул ходими Салтанат Муҳиддинова. — «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир «Замонавий сиёсатда аёлнинг ўрни ва

роли» мавзусига бағишланди. Шунинг қузатимки, қишлоқ аёлларининг қизикувчанлиғи юқори, билдираётган фикрлари ва айтаётган тақлифлари ўринли. Шундан сўнг бундай тадбирларни мамлакатимизнинг чекка-чекка ҳудудларида кўплаб ўтказишга қарор қилдик. Навоий вилоятининг Қизилтепа, Қашқадарё вилоятининг Муборак тумани, Қарши шаҳрида, Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида, Гурлан тумани, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани Қипчоқ қишлоқ урла шйишонда худди шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

Қишлоқ аёлларини иш билан таъминлашда муаммолар бор. Афсуски, кейинги вақтларда Президентимизнинг бевосита аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган Фармон ва қарорлари ижроси қишлоқ жойларда етарли даражада амалга оширилмаётти. Жиззах вилоятининг Галлояр туманида бўлиб ўтган «Қишлоқ аёли нима билан банд?» мавзусидаги давра суҳбатига баъзи аёллар айнан касаначиликнинг ҳуқуқий асослари, унга яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўрашди. Демак, улари Президентимизнинг бу борадаги Фармони билан етарли таниш эмас. Биз улари мухтаassisлар иштирокида кўплаб маълумотлар бердик. Ана шундай мавзудаги учрашув, дав-

Бошланғич партия ташкилотларида

ЭЪТИҚОД БИРЛИГИ

Ўзстандарт агентлигининг Наманган вилоят ҳудудий стандартлаштириш метрология бошқармаси ҳамда синов-сертификация марказида жами 85 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг 80 нафари Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларидир.

Бир неча йилдирки, жамоадаги бошланғич партия ташкилотига иктидорли муҳандис-технолог Маъмурахон Бойдадаева етакчилик қилиб келмоқда. — Менимча, — дейди Маъмурахон биз билан суҳбатда, — барпо этилаётган фуқаролик жа-



миётда ҳар бир киши албатта қайсибир партияга аъзо

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги

Отамсан, онамсан, ўғлим-қизимсан, Кўра қўзимсан айтар сўзимсан. Юртбошим меҳрини мужассам этган Қашқадарё рамзи — ёруғ юзимсан!

Абдулло ОРИПОВ, 2006 йил 27 октябрь



Суратда: Юртбошимиз ташаббуси билан Қарши шаҳрининг Мустақиллик майдонидики қад ростлаган оила тими солини акс эттирган «Эл-юрт таянчи» ёдгорлик монументи.

ҚАШҚАДАРЁ ОСМОНИДА ТЎЛИН ОЙ

АБАДИЙ КАРВОН

Қашқадарё... Бир чекхаси чўлларга таштаган, бир ёқда пурикдор тоғлари кўкни кўтарган беназир воҳа. У — бугун улуг тўй тантаналари руҳи билан яшамоқда.

Қайси даврда бўлган, ким билан суҳбатлашган Юртбошимизнинг кўни кеча Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйига бағишланган тантанали маросимларда айтаган дил сўзларини қувонч билан, ифтихор билан муҳокама қилишмоқда.

Кеча эрта тонгда Шаҳрисабздаги Сохибқирон бобомиз ҳайкалини эиёрат қилган, Қаршига йўл олдим. Шаҳарни кезиб, қадим қалъа маркази Регистон рўпасида анча туриб қолдим. Икки-уч йил олдин бу майдон тикчил, қадимий обидалар рангсиз-руҳсиз бир алфозда эди.

Биз бугун юртимизнинг янги тарихи билан юзма-юз турибмиз, — дейди ҳамроҳим, Қарши шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Рўйиқдин Раҳимов.

— Узоқ йиллар муаллимлик қилдим, бугун менинг ҳам бағрим бутун бўлди. Аслида ҳам Самарқанд, Шаҳрисабз, Қаршида олий иморатлар қурдирган, юртини мустақамлаб, буюк давлат қурган Амир Темур бобомиз бўлганлар. Қолаверса, буюк ишлар ҳамма замонларда ҳам улуг зотлар чекига тушаркан-да. Мана, ҳозир Қаршида 62 та маҳалла бор. Уларда истиқомат қилаётган ҳар бир киши Юртбошимиз вилоятда ишлаган кезлари шаҳарда ўнлаб янги бинолар тикланганлари, обод қилганлари, одамлар руҳини кўтарганларини фахр билан сўзлаб берадилар.

Дарҳақиқат, шаҳар оқсоқолининг сўзлари тўғри. Қашқадарёда ўша вақтларда бошланган, бугун давом этаётган ишлар қўлими шунчалар каттаки, айтиб адо қилиш қийин. Ҳозирча 25 та маҳаллада газ ва сув қувурлари янгилангани, 18 километр янги йўл қўрилганини айтмоқчиман, холос. Очиғи, бу қадар кенг ва равион йўллар воҳада ҳеч қачон бўлмаган.

— Қўлтуғ ишларимиздан боболаримизнинг руҳи шод бўлсин, — дея давом этади Рўйиқдин ака. — Яна шунинг унутмангки, сизу биз қадим қарвон тўйига нуносиби армуғони — «Қарши тарихи» китоби чоп этилди.

Қаршининг 2700 йиллик тарихи олимларимиз томонидан чўқур илмий асослаб берилди. Хўш, бунда нималарга таянилди?

— Аввало, воҳа ҳақидаги маълумотлар «Авесто» китобида учрайди. Житой ман-

балари бор, араб муаррихлари ҳам бу шаҳар ҳақида ёзиб қолдирганлар, — дейди П.Равшанов. — Юнон тарихчилари Александр Македонскийнинг босқинчилик юришлари ҳақида алоҳида китоблар битганлар. Жумладан, тарихчи Арриан Искандарнинг эрон ҳукмдорларидан бири Бессни қувиб, «Навток» деган жойга келганини таъкидлайди.

Қарийб икки ярим минг йил олдинги бу жой қаер? Археологларимиз Қарши яқинидаги Ерқўрган харобаларини ўрганиш эканлар, у қадимий шаҳар бўлганини исботладилар. Бу шаҳарни юнон фотиҳи камал қилиб, ёқиб юборган. Шаҳар VI-VII асрларда Шулликтепада қайта қад ростлаган. Уни «Нахшаб» деб, араблар истилосидан кейин «Насаф» деб атаганлар. «Қарши» атамаси мўғуллар қурдирган саройдан келиб чиққан. Шубҳасиз, шаҳар тарихининг энг шонли солномаси сохибқирон Амир Темур фаолияти билан боғлиқ. Буюк зот мўғул босқинчиларига қарши омонсиз кураш олиб борар экан, шаҳарни қудратли қалъага айлантирган. У киши қурдирган қадимий кўприк, масжид, мадрасалар шундан далолат бериб турибди. Бу тарихимизнинг олтин давридир. Тарихда бу шаҳарнинг тугган ўрни бекиёс. Кейинги даврларда ҳам шаҳарда бозорлар, карвонсаройлар, яхши иморатлар тикланган. Илгириманчи йиллар бошида 20 та мадраса бўлганлиги ҳам кўп нарсани айтиб турибди.

Юртбошимиз 1999 йилнинг декабрь ойида қашқадарёлик сайловчилар билан учрашувда шундай деган эдилар: «Хар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз-авлиёлари билан табаррук ва муқаддасдир. Қашқадарё заминда бундай инсонлар кўп ўтган. Биргина қадимий Насаф шаҳридан «Насафий» тахаллуси билан шухрат қозонган ўнлаб фозил зотлар етишиб чиққан бунинг ёркин далилидир. Ана шундай мумтоз шахслардан бири бундан ўн аср муқаддам таваллуд тоғган Абу ал-Муъин ан-Насафийдир. Ислоом қонуношулигида, қалом илмида ҳазрати Мотуридиддан кейин турайдиган, унинг нуносиби шоғирди бўлган бу аллома ўзининг «Баҳрул қалом» китоби билан бутун муслмон оламида маълум ва машҳурдир. Мазкур китобнинг ўтган йили Сурия мамлакатида нашр этилгани бу ўлмас асар замонлар оша ўз аҳамиятини йўқотмай келаётганидан далолат беради.

Насафий ака бир улуг аллома — юртимиздан чиққан мингдан ортик олиму уламолар ҳақида қимматли маълумотлар тўпланган «Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» асарининг муаллифи Насриддин Умар ан-Насафийдир. Бундай фикрларни Азизиддин Насафий, Абул Барокот Насафий, Сайидо Насафий каби ўнлаб инсонлар ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Насафийлар ва уларнинг ворислари... Қарши давлат университети ва Қарши муҳандислик-қисқосдиёт институтида таълим олаётган 10 мингдан зиёд талаба, 44 та замонавий мактабда илм ўрганаётган 45 мингдан, коллеж ва академик лицейларда тахсил қўраётган 15 мингдан ошқ ўқувчилар ана шу ворислар эмасми? Келажак ана шу касб ва илм соҳибларининг қўлида, ахир. Бир гапни айтмай ўтолмайман. «Насаф» футбол жамоасининг моҳир ўйинчиси Рузқул Бердиев билан суҳбатлашганимда, у шундай деб қолди: «Бугун Қарши қўллаб халқаро ва мамлакат миқёсида ўтаётган спорт мусобақаларига меъзоблик қилаётгани. Бу моҳир спорт усталари камол топиши учун ҳам жуда муҳим. Ажойиб стадионлар, теннис кортларини айтмайсизми. Биз ўзимизда ёки

хориқдаги ўйинларда қатнашиб, «Насаф» деган номга нуносиби бўлишга ҳаракат қилаёلمиз...»

МЎЖИЗА ЭМАС — МЕҲНАТ

Ўлмас осори-атиқалари тиклаш учун ишлатилган гишлар, ўймакор эшиқлар — боболарнинг беназир санъати. Булар ҳақида Қарши шаҳар ҳокимлигининг иқтисодий-иқтисомий масалалар бўлими ходими Исмаил Очиллов шундай деб қолди: — Хар қандай мамлакат ободлиги деҳқонлар ва хўнарандларнинг меҳнатига боғлиқ. Қарши қадимдан Ўрта Осиёда мисга ишлов бериш марказларидан бири бўлиб келган. Мисгарлар ясаган ва қумуш билан халланган идишларга, Қарши усталарининг араваларига талаб катта бўлган. XX аср бошида Алана Охун деган кишининг қичиқ қорхонасида 40 дан ортик ишчи алача ва адрас тўжиган. Атрофдаги тоғлардан олинган туз шаҳарда тозаланиб. Самарқанд, Тошкент бозорларида сотилган. Ҳозирги кунда шаҳарда маҳаллаларнинг қўллаб қадимий номи сақланган, хўнарандларнинг ворислари ҳам меҳнат қилишяпти.

Шу тарзда маҳаллалар ҳаёти билан таънишдим. Айни пайтда шаҳарда 250 минг аҳоли яшаётган бўлиб, 62 та маҳалла фуқаролар йиғинига биришган. Уларнинг 52 тахсига ЎзДП аъзолари бўлган фаоллар ҳисобланади қилишяпти. Эл назарига тушган фаоллардан бири, касби бўйича муаллим, 1988 йилдан рўйс Чакар маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаётган Нургул Мустафоқулова билан танишдим.

— Ибратли иш аввало маҳаллада ёйилади, — дейди Нургул Мустафоқулова. — Маҳалламизда ҳозир 5900 нафарга яқин аҳоли яшаётган бўлса, 2000 дан ошиги ўттизгача бўлган ёшлар. Ҳамма ҳам ишли эмас. Шунинг учун хўнарандчиликка катта эътибор бераёلمиз. Масалан, 78 оила хўнарандчи, бу камиди 500 киши нон-насиба топапти, дегани. Ўзим уйда тикувчилик чеҳи очдим. Бу қувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларига касб ўргатаёلمиз.

— Нургул тўғри айтди, — суҳбатга қўшилиди Чармгар маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси, «Нафосат» газетасининг муҳаррири Сайёра Зоирова. — Чармгар маҳалласи қадимдан доврқ чикарган. Ҳозир ҳам чармгар, заргар, бешқисозларнинг авлодлари хўнарини ташлаган эмас. Мисол учун, хольапаз Баҳром Болтаевнинг фарзандлари, хотини, синглиси, жияни шу касбни яхши эгаллашган, юзлаб шоғирдлари бор...

Рост, шаҳарда қадим усталарнинг издошлари оз эмас. Қадимда Дегрез маҳалласида оддий ўчоқда маъдан зритилиб, қрозон қуйилар экан. Бугун ҳам шу жойда славётган Қарши қозонларига талаб катта. Тадбиркор Саломат Шукурова мебель қорхонасига асос солибди. Бу йил мебелсозлар мактаб парталари ва жавонлар ясаш бўйича катта бюртма олишибди. Умуман, Қарши бугун воҳанин саноят маркази — 46 та лирик қорхона фаолият қўрсатмоқда. Янги махсуслотнинг қарийб 42 фоииз тадбиркорлар хосисини. Қамида 30 дан ошқ маҳаллада фаолият юритаётган хўнарандлар меҳнати ҳам бундан кам эмас.

СУВ БИЛАН НАҚШЛАНГАН...

Ҳазрат Сохибқирон бобомиз ўз «Тузуқлар»ида шундай битик қолдирганлар: «Кимки бирор саҳрони обод қилса ёки қориз қурса ё бирон боғ қўқартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қил-

са, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили райат ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилсин.»

Булар давлат сиёсатининг олтин қоидалари эмасми? Юртини ер ва уни яшатувчи деҳқон боқадди. Наҳшабнинг бир маъноси — «наҳши об», яъни «сув билан зийнатланган» дегани экан. Аждорларимиз шаҳри Кешини ҳам, Насафни ҳам сув яқинида — Қашқадарё соҳилида барпо этганлари беҳиз эмас. Бундан икки ярим минг йил бурун юртимизга бойлиқ излаб келган юнон босқинчилари сўнъий сугориш тизими, қўл урган боғларни қўриб ҳайратга тушганлар.

Сохибқирон бобомизнинг Самарқанд ва шаҳри Кешда яратган боғлари тарих саҳифаларидан яхши маълум. Агар Самарқанд олтин барқашда анжир тўтса, Кеш саватда тенгсиз узумларини пешкаш қилган. Хўш, Қаршига айрича эътибор қаратган Ҳазрат бу жойда боғ яратмагани? Венгер сайёҳи Герман Вамбери Қаршининг Қаландархона деган жойида улкан боғни қўрганлиги ёзиб қолдирган.

— 2004 йилда шаҳар юбилейини ўтказиш юзасидан ҳўкумат қарори, 2005 йилнинг сентябрь ойида Президентимизнинг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари чиққач, улкан ишлар амалга ошди, — дейди Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Эркин Мамадиёров. — Баъзи маълумотларни айтишим мумкин. 10 та тарихий обидида таъмирланди. Олимпия захиралари, ахборот-технологиялари коллежларининг янги бинолари, 15 минг ўринли энг замонавий стадион қўриб битказилди. Хусусий сармоядорлар 7 та замонавий меҳмонхона қуришди. Боғларга келсақ, Юртбошимиз вилоятда раҳбар бўлган кезлари боғларни кенгайтириш, қўллар барпо этиш режалари тузилган ва иш бошланган.

Бугун ана шу катта мақсадларнинг анча қисми амалга ошди. Масалан, Алишер Навоий номли истироҳат боғини олинг. Қўллар, дарактлар яратилган ажойиб ҳордиқ маскани. Дарвоқе, 2800 ўринли амфитеатрда байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Сиз боғлар боғини бориб кўринг. Иссиқ иқлимда дарактзорлар, боғларнинг фойизи бошқача... Юртбошимиз шаҳарга келганларида болалар боғини қўрган, анча маслаҳатлар берган эдилар. Мана, шу режалар асосида эски бозор қўчилди. Ҳозир боғ ҳудуди 9 гектарга яқин. Боғ саҳнида катта қўл бунёд этилди. Германиядан келтирилган «ESENVA» соғломлаштириш комплекси, турли аттракционлар ўрнатилди. Битта — ҳақиқий «Як-40» самолётининг боғда ўрнатилганлиги болажонлар эътиборини тортимоқда. Энг муҳими, боғ — дарактзор, гулзор... Мустақиллик хибобинда, осмондаги ойга тегилиб, қадим шаҳар тарихи ҳақида ўйлар эканман, ўтмишининг сурони воқеалари баробарида қўз ўнгимга келгани байрам тантаналарини келадди, қадим шаҳарнинг бугунги чиройи жилваланди... замонавий ўқув масканларида таълим олаётган минг-минглар орузумидли ёшлар келадди. Бешигида баркамол авлодни улғайтираётган ўтмиши буюк, келажаги нурафшон қадим шаҳар Қашқадарё осмонидида тўлин ойнаётган. Бу ой абадул-абад порлайверсин!

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Миллат ва маънавият

НОВАРЬ — ОБУНА ОЙИ

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ана шундай хайрли иш бошланди.

Уч йилдири, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳар чоракда ҳудуддаги оммавий ахборот воситаларининг муҳаррирлари ва мутасаддилари, республика газеталарининг вилоятдаги ўз мухбирлари билан учрашувлар ўтказиб келмоқда. Бу анъана ўз самарасини берапти ҳам.

Навбатдаги учрашулга вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, туманлар ҳокимлари, тегишли ташкилот, қорхона ва муассасалар раҳбарлари ҳам таклиф этилди.

— Маънавият ва маърифати юксалтиришда мағбуотнинг ўрни бекиёс, — деди вилоят ҳокими Абдулҳаким Эшмуродов ўз сўзида. — Ҳаётимиз ойнаси, турмушимиз кўзгуси ҳам мағбуот. Шундай экан, ҳамкорликни янада яхшилашимиз лозим. Бугун воҳада 28 номда газета, 2 та журнал, «Ахборотнома» чоп этилиб, 5 та телевидение фаолият қўрсатмоқда. «Ҷағоний», «Сурхон тонги», «Сариосиё», «Шўрчи ҳаёти», «Халқ йўли» муштарийлар талабига бир қадар жавоб беради. Лекин, Қизилқум тумани ҳокимлиги муассис бўлган «Тараққиёт», Ангор туманининг «Илғор», Музрободнинг «Меҳнат зафари» газеталаридан кўнгул тўламапти, танқидий-тахлилий мақолалар йўқ, долзарб мавзуларда чиқишлар кам. Энг ачинарлиси, нашрлар 300-500 нусхадагина чоп этилмоқда. Шундан келиб чиқиб, ноябрь — вилоятда обуна ойи бўлади. Республика, вилоят ва туманлар газеталарининг обунасини самарали ташкил этишга туманлар ҳокимлари масъул. Ой охирида ҳисоботларни биргаликда муҳокама қиламиз...

Илгилли сўнггида туман ҳокимларига тегишли фармойиш ва топшириқлар берилди. Муҳаррирлар, мутасаддилар ва журналистларни қийнаётган муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш юзасидан келишувлар бўлди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Спорт

ЖУРНАЛИСТЛАР ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Бугун пойтахтимиздаги «Истиқдол» спорт мажмуида оммавий ахборот воситалари хўшмаҳор ўртада мини футбол бўйича «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари совриши учун Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб ўтказилаётган турнирнинг гуруҳи бўлади.

Муسابақанинг «С» гуруҳида қатнашаётган таҳририятимизнинг «Ўзбекистон овози» жамоаси учинчи турда «Ўзбекистон футбол» вакилларига қарши майдонга тушди. Агар ушбу учрашувда ҳамжабларимиз галаба қрозонлариди, кейинги босқинга чиқиш имкониятини сақлаб қоларди. Бироқ дўстона рўҳда кечган бахсда дуранг натижа қайд қилинди — 1:1. Турнинг «Шарк» НМАК — «Ватанпарвар» жамоалари ўйинида эса дарвозаларга ўрта тўп киритилди — 4:6.

Учинчи турнинг қолган бахсларида қуйидаги ҳисоблар қайд этилди. «А» гуруҳи: «Маърифат» — «ЎзДЖТУ» — 6:1, «Халқ сўзи» — «ЎзТ» — 0:4. «Б» гуруҳи: МТРК — «Туркистон» — 6:0, «Янги аср авлоди» — «Туркстон-пресс» — 4:0. «Д» гуруҳи: «Наврўз» FM — «Тошкент ҳақиқати» — 2:7, «Ишонч» — «Еш қўч» — 2:8.

Эркин ХОЛБОБО



Суратда: турнирдан лавҳа. Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

«РЕАЛ» ТАРКИБИ МУСТАҲҚАМЛАНАРМИКАН?

Мадриднинг «Реал» клуби жамоаси таркибини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш учун оз эмас, кўп эмас 245 миллион доллар сарфлаш қўзда тутилмоқда. Хусусан, бу жамоага Англиянинг «Ливерпуль» клубидан сардор Стивен Жерард олиб ўтиш режалаштирилмоқда. Испания томони бу инглиз футболчилига 30 миллион фунт стерлинг беришга тайёр. «Реал»нинг спорт ишлари бўйича директори Предраг Миятович Жерард жамоа ўрта чизигини мустаҳкамлашга ҳизмат қилади, деб ишонмоқда.

«Реал» клубининг президенти Рамоне Кальдерон «Барселона» жамоасида тўп сураётган аргентиналик ярим ҳимоячи Лионел Мессига 100 миллион фунт стерлинг ажратилиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирмоқда. «Реал» жамоаси бош мураббийи Фабио Капелло эса машҳур ярим ҳимоячи Дэвид Бекхэмнинг шартнома мuddати тугаб бораётганидан хавотирга тушмоқда. «Шартномани янгилаш ўзига хос муаммага айланган, — дейди бош мураббий. — Лекин мен ўз фикримни айтманман. Бекхэм жамоада ўн қанот ярим ҳимоячиси бўлиб қолади.»

МАРИЯНИНГ ГАЛАБАЛАРИ



Австриянинг Линц шаҳрида ўтказилган нуфузли теннис турнирининг муқофот жамғармаси 600 минг АҚШ доллари қилиб белгиланган эди. Россиялик танничи теннисчи Мария Шарапона икки партияда ватандоши Надежда Петровани доғда қолдирди. У 7:5, 6:2 ҳисобида устун келди. Умуман олганда, россиялик бу теннисчи қатарасига 16 марта келма-кет ютуққа эришди. У АҚШ очиқ чемпионатидан бери мағлубият нималигини билмайди. Лекин, «Кремль кубоги» учун курашда ҳароҳати туфайли чорак финалда Анна Чакветадзега қарши ўйнашдан бош тортган эди. Нима бўлганда ҳам Мария келаси қашқадарёда бошлаб WTA рейтингини бўйича иккинчи ўринни эгаллаши қўзда тутилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ДУНЁ НИГОҲИДАГИ МУЗЕЙ-КЎРИҚХОНА

Маълумки, Бухоро дунёдаги етти шариф шаҳарининг биридир. Қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган бу шаҳар ҳамиса дунё нигоҳида бўлгани боис унга бўлган қизиқиш жуда каттадир. Мўйсалиф шаҳар ва унинг ўтмиши, бугундан сўзловчи Бухоро давлат меъморий-бадний музей-кўриқхонасида тарихнинг турли даврларига

оид юз мингга яқин экспонат ҳамда қадимий буюмлар сақланмоқдаки, улар хориқлик қадимшуносларни асло бефарқ қолдирмайди. Яқинда Япониянинг Киото шаҳридаги хориқ мамлакатларини ўрганиш университети профессорлари Тори Хоригава бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар Бухорога таширф буюрдилар.

— Таширфдан қўзланган асосий мақсад, — деди меҳмонлардан бири профессор Кэньичи Исогаме. — Мазкур музей-кўриқхона билан машҳур Киото университети ҳузурдаги жаҳон тилларини ўрганиш халқаро институти ўртасида илмий ҳамкорлик ўрнатилди. Биргина бу эмас, балки тадқиқотлар мавзуларини

белгилаб, Бухоро маданиятини жаҳонга кенг тарғиб қилиш. — Биз ҳам қўл қовуштириб турганимиз йўқ, — дейди музей-кўриқхона бош директори, тарих фанлари номзоди Роберт Альмеёв, — мозиёгоҳ фондидаги тарихий ашёларнинг нашр қилинаётган. Биргина бу эмас, балки тадқиқотлар мавзуларини

Advertisement for Safar OSTONOV, featuring contact information and a list of services.